

**Тошкент тиббиёт академияси Илмий Кенгаши йиғилишининг
__3__ сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

«25» октябрь 2017 йил

Раислик қилувчи: Л.Н.Туйчиев - Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор
Қатнашдилар: Тошкент тиббиёт академиясининг Илмий Кенгаш аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. “Тиббий-биология иши” таълим йўналишида ўқув жараёнининг ташкил этилиши, адабиётлар билан таъминланганлик ва муаммолари.
Маърузачи – Тиббий-профилактика факультети декани Ф.И.Саломова
2. Халқаро ҳамкорлик доирасида бажарилаётган ишлар, халқаро алоқалар бўлими фаолияти таҳлили.
Маърузачи – Илмий ишлар бўйича проректор, Т.А.Набиев
3. Профессор-ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш.
Маърузачи – Комиссия раиси.
4. Диссертация, монография ва ўқув услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш.
5. **Маърузачи** – ОТМ кенгаш котиби.
6. Турли масалалар.

ТГА ректори Л.Н.Туйчиев «Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти Нилуфар Шомуродовна Ниязовани доцент унвони дипломи билан табриклади.

ТГА тиббий-педагогика факультети 401 С гуруҳ талабаси Рустам Ҳазраткулов академик Ў.О.Орипов стипендияси учун ўтказилган танловда

ғолиб бўлганлиги ва кейинги босқичга йўлланма олганлиги муносабати билан табрикланди.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Кун тартибининг биринчи саволи бўйича Тиббий-профилактика факультети декани Ф.И.Саломова маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган). Маъруза ҳисоботи қониқарли деб қабул қилинсин.

1.1. “Тиббий-биологик иш” таълим йўналиши бўйича ҳорижий тажрибани ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳ тузилсин ва ўқув, ўқув-услубий, илмий фаолият доирасида ҳамкорлик алоқалари Россия Федерациясининг Қозон давлат медицина университети билан ўрнатилсин.

Масъул: ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов
кафедра мудирлари

Муддат: 1 февралгача

1.2. Заминавий фанлар бўйича кучли мутахассислар таёрлаш мақсадида янги тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда ҳар бир фан бўйича ўқув-услубий мажмуалар қайта кўриб чиқилсин.

Масъул: ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов
ўқув бўлими, кафедра мудирлари

Муддат: доимий

1.3. Мутахассислик кафедраларида амалий машғулотлар ва лаборатория дарсларини талаб даражасида олиб борилсин ва амалий кўникмаларни ўзлаштирилиши учун шароитлар яратилсин.

Масъул: ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов
молия - иқтисодиёт ишлари бўйича проректор И.Х.Магзумов
кафедра мудирлари

Муддат: доимий

2. Кун тартибининг иккинчи саволи бўйича – Илмий ишлар бўйича проректор Т.А.Набиев маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган). Маъруза ҳисоботи қониқарли деб қабул қилинсин.

2.1. Ҳар бир кафедрада халқаро алоқаларга масъул шахс тайинлансин.

Масъул: илмий ишлар бўйича проректор Т.А.Набиев
кафедра мудирлари

Муддат: 1 ҳафта

2.2. Ҳорижда малака оширган ёки стажировкада бўлган профессор-ўқитувчиларнинг ҳисоботлари тақдимот кўринишида амалга оширилсин.

Масъул: илмий ишлар бўйича проректор Т.А.Набиев
илмий бўлим, кафедра мудирлари

Муддат: доимий

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси, халқаро ташкилот ва таълим фондлари танловларида академиянинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари малака ошириш, стажировка ўташ, докторантура ва магистратурада таҳсил олишдаги иштироклар сони кўпайтирилсин.

Масъул: илмий ишлар бўйича проректор Т.А.Набиев
ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов
илмий бўлим, халқаро бўлим, кафедра мудирлари

Муддат: доимий

2.4. Тошкент тиббиёт академияси ходимларининг хориж сафарига чиқишлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиши қатъиян назоратга олинсин.

Масъул: илмий ишлар бўйича проректор Т.А.Набиев
халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Ж.Ж.Исраилов

Муддат: доимий

3. Кун тартибининг учинчи саволи профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш бўйича ОТМ кенгаш котиби Г.А.Исмаилова номзодлардан ариза келиб тушмаганлигини билдирди.
4. Кун тартибининг тўртинчи саволи – диссертация, монография ва ўқув услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш бўйича ОТМ кенгаш котиби Г.А.Исмаилова таништирди. (1-илова).
5. Турли масалалар бўйича:
 - а) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Олий таълим вазирликларидан келган буйруқлар билан ички назорат инспекцияси ва мониторинг бўлими бошлиғи профессор Ў.М.Миршарапов таништирди. (2-илова).
 - б) 1 курс магистратура мутахассисликлари бўйича илмий мавзу ва илмий раҳбарлар тасдиқланди (243 талаба), ҳамда баъзи сабабларга кўра 2-3 курс магистр талабаларнинг ўзгарган илмий раҳбарлари тасдиқланди (10 та талабанинг).
 - в) ТТА мураббийларини рағбатлантириш мақсадида тўплаган баллари асосида кўшимча ҳақ тўланиши 2018 йил харажатлар сметасига киритилсин.
 - г) ТТА ходимларининг бир кунлик иш хақи (15 млн сўм миқдорида) “Махалла” хайрия жамғармасига ўтказилсин.
 - д) ССВ топширига биноан ТТА ўтказилган танлов асосида кўйидаги профессор - ўқитувчилар кейинги босқичга тавсия этилсин:
-“Йилнинг энг яхши профессори” номинацияси бўйича Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси профессори т.ф.д., академик Даминов Турғунпўлат Обидович;

- “Йилнинг энг яхши доценти” номинацияси бўйича Асаб касалликлари кафедраси доценти т.ф.д., Якубова Мархамат Миракромовна;
- “Йилнинг энг яхши илмий ходими” номинацияси бўйича т.ф.д., профессор Содиков Рустам Аброрович;
- “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” номинацияси бўйича Адылходжаев Аскар Анварович.


Кенгаш ўз ишини якунлади.

Кенгаш котиби, т.ф.д., проф.



Г.А. Исмаилова

Ўқув ишлари бўйича
проректори



Ш.А.Боймурадов

Маънавият-маърифат ишлари
бўйича проректор



Т.А. Бобомуратов

Илмий ишлар бўйича
проректор



Т.А. Набиев

Молия иқтисодиёт ишлари
бўйича проректор



И.Х. Магзумов

Академик лицей ва коллежлар
бўйича проректор

С.Р. Баймаков

Ички назорат ва мониторинг
бўлими бошлиғи



Ў.М. Миршарапов

Тиббий-профилактика
факультети декани



Ф.И. Саломова